

ИБН САЪДНИНГ “АТ-ТАБАҚОТ АЛ-КУБРО” АСАРИДА ЎРТА ОСИЁЛИК ОЛИМЛАР БИОГРАФИЯСИННИНГ ЁРИТИЛИШИ

Сотвондиев Ойбек Хайрулло ўғли

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими
тел: 90 789 85 30, E-mail: oybeksaydali1996@gmail.com

Ислом тарихчилари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган Муҳаммад ибн Саъд (784-845) сийрат, тарих, рижол илмлари билимдони, ўз даврида Бағдоддинг йирик фақиҳи ва табақот жанрининг асосчиларидан бири бўлган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъд Зуҳрий милодий 784 йилда Басрада туғилган ва 845 йилда, 62 ёшида Бағдодда вафот этган. У ўз даврининг таниқли олимларидан ислом илмлари билан бир қаторда араб тили ва адабиётини ҳам ўрганган. Куфа, Дамашқ, Раққа, Мадина ва Маккага илмий сафар қилган. Ибн Саъд 200/815 йилда Бағдодга келган. Бу ерда машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Умар Воқидийга котиблиқ қилиб, унинг ҳузурида таҳсил олган. Ибн Саъд илм олиш жараёнида 100 га яқин олимдан таълим олган. Ибн Саъднинг шогирдлари орасида араб тили олими Аҳмад ибн Убайд (ваф. 278/891), тарихчи ва насаб олими Аҳмад ибн Яҳё Балазурӣ (ваф. 279/892), муҳаддис ва мутасаввиф Ибн Абу Дунё (ваф. 281/894), ҳадис олими Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома (ваф. 282/895) ва Ҳусайн ибн Фаҳум (ваф. 289/901)²⁸ номлари учрайди. Булардан Ибн Абу Дунё, Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома ва Ҳусайн ибн Фаҳумлар Ибн Саъд асарларининг бугунгача етиб келишида муҳим рол ўйнаганлар.

Манбаларда Ибн Саъдга бир қатор китоблар нисбат берилган. Ҳусусан, Ибн Саъднинг “ат-Табақот ал-кубро”, “Китоб ат-табақот ас-сағир” (Табақаларнинг кичик китоби), “Ахбор ан-Набий” (Пайғамбар ҳақидаги хабарлар), “ал-Қасида ал-ҳулвонийя” (Ҳулвония қасидаси) ва “аз-Зуҳруф ал-қасрий” (Қаср безаги) номли асарлар ёзгани қайд этилган. Булардан ташқари, Ибн Надим “ал-Фиҳрист”да Ибн Саъдга “Китоб ал-ҳиял” (Ҳийлалар китоби) номли асарни ҳам нисбат берган.

Маълумк, ислом дини дунёнинг турли минтақаларига тарқалишида саҳобийлар муҳим роль ўйнаган. Пайғамбар (с.а.в.) даврларида баъзи саҳобийлар исломни янги қабул қилган мамлакатлар аҳолисига янги дин таълимотини ўргатиш учун юборилар эди. У зотнинг вафотларидан

²⁸ Ибн Саъд. Табақот // Ношир муқаддимаси. – Қоҳира: Мактабатул Ҳонжий, 2001. –Ж. 1. – Б. 18-22.

сүнг, ислом көнг минтақаларга тарқалғач, янги мусулмонларға динни үргатишиң янада долзарб вазифага айланған. Бу ишга аввало саҳобийлар, кейин эса тобеийлар ва улардан кейинги олимлар бошчилик қилғанлар.

“Ат-Табақот ал-кубрө”нинг 9-жилдида “Расулуллоҳнинг саҳобийларидан Ҳурисон фатҳида қатнашған ва у ерда вафот этғанлар” номли боб мавжуд бўлиб, унда Ҳурисон ва Мовароуннаҳрда яшаган саҳобийлар ҳақида маълумот келтирилган. Бу бобда зикр қилинган саҳобийлар жами олтига бўлиб, улар қўйидагилардир: Бурайда ибн Ҳусайб, Абу Барза Асламий, Ҳакам ибн Амр Фифорий, Абдураҳмон ибн Самура, Қусам ибн Аббос, Абдураҳмон ибн Яъмар ад-Диълий (р.а.). Ибн Саъд мазкур бобда саҳобийлар ҳақида қисқача маълумот бериш билан кифояланиб, уларнинг Ҳурисон билан боғлиқ жиҳатларига ўрғу берган.

“Ат-Табақот ал-кубрө”да ёзилишича, саҳобийлардан Бурайда ибн Ҳусайб Марв шаҳрида вафот этган, фарзандларидан баъзилари Марвда яшаб қолган. Ушбу саҳобий ва унинг Абдуллоҳ ҳамда Сулаймон исмли икки ўғли минтақада исломнинг тарқалишида катта хизмат қилғанлар. Ўрта Осиёда яшаган саҳобийлардан Абу Барза Асламий ҳам Ҳурисон фатҳида қатнашиб, ўша ерда вафот этган²⁹. Ҳакам ибн Амр 666-670 йилларда Ҳурисонда волийлик қилган. Абдураҳмон ибн Самура эса, Сеистонда волийлик қилиб, Ҳурисон фатҳида ҳам қатнашған. Ибн Саъд Қусам ибн Аббоснинг Саид ибн Усмон билан бирга Мовароуннаҳрға келгани ва Самарқандда вафот этганини таъкидлаган³⁰. Абдураҳмон ибн Яъмарнинг биографиясида эса, унинг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳаж ҳақида ривоят қилған ҳадиси келтирилган.

“Ат-Табақот ал-кубрө”дан ташқари, яна бир қатор манбаларда Ўрта Осиёда яшаган кўплаб саҳобийлар номи учрайди. Бироқ, уларнинг саҳобий экани борасида турлича қарашлар мавжуд. Мазкур шахслардан маълум қисмининг ҳаёти ва фаолияти бевосита Мовароуннаҳр билан боғлиқ. Умуман олганда, саҳобий экани аниқ бўлган Ҳакам ибн Амр, Қусам ибн Аббос ҳамда саҳобий ёки тобеий экани баҳсли бўлган Абдуллоҳ ибн Хозим Суламий, Асвад ибн Ҳозим ва Фарқад (р.а.) сингари шахслар Мовароуннаҳр ҳудудида яшаб, ўлқада ислом дини тарқалишида муҳим роль ўйнаганлар.

²⁹ Ибн Саъд. Китоб ат-Табақот ал-кабир. – Қохира: Мактабатул Хонжий, 2001. – Ж. 9. – Б. 369-370.

³⁰ Ибн Саъд. Китоб ат-Табақот ал-кабир. – Қохира: Мактабатул Хонжий, 2001. – Ж. 9. – Б. 371.

Асарнинг “Хуросонлик бошқа фақиҳ ва муҳаддислар” номли бобида эса, Хуросон ва Мовароуннахрда яшаган, бу ҳудудларда ислом илмлари ривожига ўз ҳиссасини қўшган 57 та олимнинг биографияси ёритилган. Асарда номи учрайдиган олимлардан Абул Олия Риёҳий, Захҳок ибн Музоҳим, Яҳё ибн Яъмар Лайсий ва Муҳаммад ибн Восеълар бевосита Мовароуннахр фатҳида қатнашиб, ўлкада ислом дини ва таълимотининг кенг ёйилишда хизмат қилганлар. Ибн Саъд номларини зикр қилган олимлардан Абу Ҳамза Суккарий (ваф. 167/783), Абу Муоз Ҳолид ибн Сулаймон Балхий (ваф. 199/814), Муқотил ибн Ҳаййон Набатий (ваф. II/VIII аср охирлари), Абу Фазл ибн Мусо Синоний (ваф. 192/807), Ҳафс ибн Абдураҳмон Балхий (ваф. 199/814), Иброҳим ибн Маймун ас-Соиф (ваф. 131/748), Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 181/797), Абу Мутиъ Балхий (ваф. 199/814) Абу Ҳанифанинг шогирди экани билан, Абу Мутиъ Балхий ва Ийсом ибн Юсуфлар эса, “ал-Фиҳқ ал-акбар” (Катта фиқҳ) китобининг ровийлари занжирида туриши билан ўлкада ҳанафиийлик ривожини ўрганишда аҳамиятлидир.

“Ат-Табақот ал-кубро”нинг турли ўринларида Хуросон ва Мовароуннахрга келган ёки шу ҳудудлардан етишиб чиққан яна бир қатор олимлар биографияси учрайди. Аҳнаф ибн Қайс, Саид ибн Усмон, Алқама, Икрима, Абдуллоҳ ибн Бурайда, Сулаймон ибн Бурайда, Фузайл ибн Иёз, Довуд ибн Рушайд, Шарик ибн Абдуллоҳ каби олимлар шулар жумласидан. Бурайда (р.а.)нинг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Бурайда ва Сулаймон ибн Бурайда минтақада илк ҳадис мактабларининг шаклланишига катта ҳисса қўшганлар.

“Ат-Табақот ал-кубро” асарига кўра, Мовароуннахрга ташриф буюрган улуғ олимлардан бири Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг талабаси, Куфа мактаби вакили Алқама эди. Ибн Саъд унинг Хоразмга келгани ва у ерда икки йил яшаганини ёзган³¹. Самарқандда маълум муддат яшаган тобеийлардан бири эса, Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг мавлоси ва талабаси Икрима бўлиб, у тафсир илмини жуда яхши билган. “Ат-Табақот ал-кубро”да унинг Самарқанддан қайтаётганини кўришгани ҳақидаги ривоят көлтирилган³². Мазкур тобеийларнинг минтақага ташрифи ислом илмлари ривожида муҳим роль ўйнаган.

“Хуросонлик бошқа фақиҳ ва муҳаддислар” бобида ва қолган ўринларда номлари зикр қилинган олимлар таржимаи ҳолида Ибн Саъд эътибор қаратган асосий жиҳатлардан бири шахсларнинг илмда, хусусан, ҳадис бобида ишончлилиги масаласи эди. Шунингдек,

³¹ Ибн Саъд. Китоб ат-Табақот ал-кабир. – Коҳира: Мактабатул Хонжий, 2001. – Ж. 8. – Б. 207-213.

³² Ибн Саъд. Китоб ат-Табақот ал-кабир. – Коҳира: Мактабатул Хонжий, 2001. – Ж. 7. – Б. 282-288.

асарда олимларнинг илмий сафарлари, ҳадис ривоятидаги устоз ва шогирдлари, илмдаги мавқеи, ақидавий қараашлари каби масалалар ҳам ёритилган. Мазкур жиҳатлари билан “ат-Табақот ал-кубро” асари Ўрта Осиё минтақасидаги илк мусулмон олимлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.